

“Ўзкимёсаноат” АЖда МДҲ Молия-банк кенгаши делегацияси билан учрашув ўтказилди

// 26 fevral 2020 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/fbc-cis>



“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятида МДҲ Молия-банк кенгашининг мувофиқлаштирувчи
кенгаши раиси Анатолий Борисович Казаков бошчилигидаги делегация аъзолари иштирокида
учрашув ташкил этилди.

Учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси кимё саноатининг истиқболли инвестиция
лойихаларини молиялаштириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, МДҲ МБК
“Ўзкимёсаноат” АЖ билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда инвестиция
лойихаларини молиялаштириш бўйича истиқболли режаларни амалга оширишда иштирок этишга
қизиқиши билдириди.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати